

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳукуқида
УДК:313. 339. 133+33.101.262 (575.1)

ТУРСУНОВ ШУҲРАТ ҲАМИДОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА
ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА ИҚТИСОДИЁТДА
ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА
МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – «Менежмент ва маркетинг»

Иқтисод фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ- 2009

331 (043.3)

T-87

Диссертация иши Г.В.Плеханов номидаги Россия Иктисадиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиалида бажарилган.

Илмий раҳбар:

иктисод фанлари доктори, профессор
Абдурахмонов Қаландар Ҳўжаевич

Расмий оппонентлар:

ЎзР ФА Академиги, иктисод фанлари доктори, профессор
Ғуломов Саидахорп Саидаҳмадович

иктисод фанлари номзоди
Нурилдинова Адиба Газиевна

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Иктисадиёт институти


Диссертация 2009 йил “23” декабр соат 9:00 да Тошкент давлат
иктисодиёт университети қошидаги иктисод фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д067.06.01 ракамли
Ихтисослашган кенгаш мажлисида ҳимоя қилинади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иктисодиёт университети
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил “81” реалире да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, и.ф.д.
профессор



Б.Б.Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбилиги. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш давлат томонидан ижтимоий-мехнат муносабатларини бошқаришнинг энг муҳим ва устувор йўналиши, мамлакат иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлигининг асосий мезони хисобланади. Ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларини, диверсификация тадбирларини амалга ошириш меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишининг ҳал қилувчи омилидир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: «Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чукур ўйланган сиёsat бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиласиган кучли тўсик, айтиш мумкинки, мустахкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди»¹, деб таъкидлади.

Мамлакатда ишсизлик муаммоларининг кескинлашуви бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки йиллари, иқтисодий тизимнинг трансформацияланиши ва иқтисодиёт тузилмасининг ўзгариши бошланган боскичга тўғри келди. Ўзбекистон Республикасини тараққий эттириш моделига асосан, давлат бош ислоҳотчи сифатида меҳнат ресурсларини бошқаришдаги ниҳоятда мураккаб ва оғир муаммоларни оқилона ҳал этишга қаратилган усуllibарни кўллади ва бундай ёндашув ўзини тўла оқлади.

Аммо 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иктисодий инқироз жаҳоннинг деярли ҳамма мамлакатларида иш билан бандлик муаммоларини яна мураккаблаштириб юборди. Бу иқтисодиётдаги рецессия, компания ва фирмаларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин камайиб кетиши, қатор ҳолларда эса корхоналарнинг ёпилиши билан боғлиқ ҳолда юз беряпти. Ана шундай вазиятда давлат бошқарув органлари олдида ижтимоий-мехнат муносабатлари, энг аввало, меҳнат бозоридаги ниҳоятда юкори даражадаги рақобат билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишга тубдан янгича ёндашиш вазифаси туриди.

Ўзбекистон Республикасида жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул килинган Инқирозга қарши чоралар дастурида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, экспортни ҳамда ички бозорни рағбатлантириш, катъий тежамкорлик тизимини жорий этиш асосида иқтисодиётда баркарор ўсиш суръатларини таъминлаш энг устувор вазифалар сифатида белгиланганлиги, пухта ўйланган ва ҳаёт тажрибасидан ўтган ислоҳотларнинг мантикий давоми бўлмоқда.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон. 2009. - 31 б.

Иктисодиётда таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш жараёнида меҳнат ресурсларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш долзарблиги, биринчи навбатда, бу энг мухим ижтимоий-иктиносидий масала эканлиги билан белгиланади. Чунки, иш билан бандлик мамлакатни ҳар бир фуқаросининг меҳнат килиш конституциявий ҳукукини амалга ошириш кафолати, унинг ўзи ва оиласи муносаб турмуш кечириши учун ҳаётй зарурат бўлибгина қолмасдан, меҳнат ресурсларини самарали такрор хосил килиш манбаи, иктиносидётни янада ривожлантириш ва жамият манфаатларига хизмат қиласидан юкори унумли меҳнат мотивациясининг асосий омилидир.

Шу сабабдан ҳам Қашқадарё вилоятида иктиносидётда чукур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялашни амалга ошириш жараёнида меҳнат ресурсларини бошқариш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ахолининг иш билан бандлик даражасини ошириш механизмларини такомиллаштириш фойт мухим тадқиқот йўналиши ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иктиносидёт фанида иктиносидётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификациялаш, меҳнат ресурсларини бошқаришнинг илмий асослари Рикардо Д., Кейнс Ж.М., Гелбрейт Ж., Вальрас Л., Хейнц Л., Макконелл К., Брю С., Тейлор Ф., Хайек Ф., Харрад Р., Шумпетер Й., Хикс Ж., Филиппс А., Фридмен М., Стенд Г. ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган. Меҳнат бозорини тартибга солиш, меҳнат ресурсларини бошқариш илмий' муаммолари МДХ мамлакатлари иктиносидчи олимларидан Волгин Н., Горелов Н., Журавлев П., Карташев С., Кибанов А., Кулапов М., Маслова И., Никифорова А., Одегов Ю., Ракитский Б., Романенкова Г., Рофе А., Руденко Г. ва бошқалар асарларида ўз ифодасини топган.

Мамлакат олимлари Абдурахмонов К., Абулқосимов Х., Вороновский Ю., Зайнутдинов Ш., Зокирова Н., Максакова Л., Муртазина Р., Раҳимова Д., Сотволдиев А., Убайдуллаева Р., Умурзоков Б., Ҳолмўминов Ш., Ҳўжаев Н., Ҳудойбердиеv З. ва бошқаларнинг илмий асарларида Ўзбекистон Республикасида иктиносидётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификациялаш, меҳнат бозорининг, шу жумладан минтақавий меҳнат бозорларининг шаклланиши ва ривожлантирилиши, меҳнат ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, ахолининг иш билан бандлиги муаммоларининг турли жихатлари таҳлил этилган.

Шу билан бир каторда бевосита алоҳида минтақа иктиносидётida таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификациялаш, меҳнат ресурсларини бошқариш муаммолари етарлича тадқиқ этилмаган. Ушбу ҳолатлар тадқиқот мақсади ва вазифалари доирасини белгилаб берди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация Г.В.Плеханов номидаги Россия иктиносидёт академияси Тошкент шаҳридаги филиалининг илмий- тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади - Ўзбекистон Республикаси, хусусан Қашкадарё вилоятида жаҳон молиявий-иктисодий инқирози таъсирини ҳисобга олган холда иктиносидётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификациялаш жараёнида меҳнат ресурсларини бошқариш ва меҳнат бозорини тартибга солиш механизmlарини такомиллаштириш, ахолининг иш билан бандлик даражасини ошириш юзасидан илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Белгиланган мақсадга мувофик куйидагилар тадқиқотнинг вазифалари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасида, шу жумладан Қашкадарё вилоятида меҳнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича давлат сиёсатини асослаш;

- Қашкадарё вилоятини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, маҳаллий демографик ҳамда худудий меҳнат бозорининг асосий ҳусусиятларини очиб бериш, меҳнат ресурсларининг таркиби ва сифатини таҳлил қилиш;

- вилоядта ишлаб чиқалган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар худудий дастури доирасида минтақа иктиносидётida таркибий ўзгаришларни ва диверсификациялашни амалга ошириш устувор йўналишлари ҳамда бу жараённинг меҳнат ресурсларини такомиллаштиришга таъсирини тадқиқ этиш;

- Қашкадарё вилоятида меҳнат ресурсларини бошқариши самарадорлигини ошириш, минтақа меҳнат бозорида иш кучига тараб ва тақлиф мутаносиблиги, ахолининг иш билан бандлигини тартибга солишга қаратилган асосий устувор йўналишларни белгилаш;

- миграция жараёнларининг вилоятдаги меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлигига таъсирини таҳлил этиш ва бу жараённи бошқаришни такомиллаштириш йўлларини аниқлаш;

- Қашкадарё вилояти меҳнат органларининг минтақа меҳнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришдаги ролига баҳо бериш; *

- вилоят меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги даражасини ошириш воситаси сифатида кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик, ҳусусан касаначиликни жадал ривожлантириш имкониятларини баҳолаш.

Тадқиқот обьекти - Қашкадарё вилояти иктиносидётси соҳалари ва меҳнат ресурсларидир.

Тадқиқот предмети - Қашкадарё вилояти иктиносидётida таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификация қилиш жараёнида минтақада меҳнат ресурсларини бошқариши жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида статистик, математик, иктиносидий таҳлил, қиёсий таққослаш, тизимли ёндашув, умумлаштириш, гурӯхлаш, илмий абстракция ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти

фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузалари, шунингдек мамлакат ва чет эл олимларининг иктисодиётда таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялашни амалга ошириш, меҳнат ресурсларини бошқариш, ахолининг иш билан бандлиги масалаларига доир илмий ишлари, вақтли матбуотда чоп этилган илмий мақолалар ташкил этди.

Тадқиқотнинг статистика базасини Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, бошқа вазирлик ва идораларнинг, Қашқадарё вилояти Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш бош бошқармаси, Статистика бошқармасининг статистика материаллари ва маълумотлари ташкил этди.

Химояга олиб чиқиляётган асосний ҳолатлар:

- Ўзбекистон Республикаси, шу жумладан Қашқадарё вилоятида меҳнат бозорини шакллантиришда меҳнат ресурслари ва уларни бошқаришининг илмий-услубий асослари;

- Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, минтақадаги демографик вазият, иктисодиётни таркибий ўзгаришиш ва диверсификациялашнинг ўзига хос хусусиятлари;

- инкизотга қарши чоралар худудий дастури доирасида минтақа иктисодиётида таркибий ўзгаришларни ва диверсификациялашнинг меҳнат ресурсларидан фойдаланиши самарадорлигини ошириш ўйлари;

- минтақавий меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклиф мутаносиблиги, ахолининг иш билан бандлиги даражасини оширишга каратилган устувор чора-тадбирлар;

- минтақа меҳнат ресурсларини бошқаришин тақомиллаштиришда вилоят меҳнат органларининг роли;

- вилоятда меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги даражасини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича тавсиялар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- Қашқадарё вилоятида иктисодиётда ўтган йилларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификация килиш жараёнларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиши самарадорлиги баҳолангандан ва умумлаштирилган, шу асосда меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги минтақавий дастурларини янада тақомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

- жаҳон молиявий-иктисодий инкизот шароитларида меҳнат ресурсларини минтақада бошқариш хусусиятлари аникланган;

- минтақавий меҳнат бозорини тартибиға солиш ва уни бошқаришининг давлат сиёсатини амалга ошириш воситалари асосланган;

- вилоятда меҳнатта лаёкатли ахолининг шаклланиши, ривожланиши тенденциялари, уларнинг туман ва шаҳарлар бўйича тақсимланиши хусусиятларини ўрганиш натижасида минтақани ижтимоий-иктисодий

ривожлантириш истикболли режалари хисобга олинган ҳолда меңнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш прогноз вариантылари тавсия этилган;

- вилоятдаги меңнат ресурслари харакатчанлигига миграция жараёнларининг табсири ва бу жараённи бошқаришни такомиллаштириш йўллари тавсия этилган;

- вилоят меңнат ресурсларининг иш билан бандлиги даражасини оширища кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусан касаначиликнинг устувор аҳамияти асослаб берилган;

- минтақа меңнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириша вилоят меңнат органларининг ролини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг натижалари, хулоса ва амалий тавсиялари мамлакат ва унинг минтақаларида, хусусан Қашқадарё вилояти иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификация килиш жараёнида меңнат ресурсларини бошқариш, меңнат бозорини тартибга солища фойдали илмий манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан жаҳон молиявий-иқтисодий инқизори шароитларида минтақавий меңнат бозорини тартибга солишини, меңнат ресурсларини бошқаришни янада такомиллаштириша, аҳолининг иш билан бандлиги вилоят дастурларини ишлаб чиқиши, меңнат ресурсларидан самарали фойдаланиш истикболли режаларини тузишда фойдаланиш имкониятлари билан белгиланади. Диссертация материалларидан олий ва ўрта маҳсус таълим юртларининг иқтисодиёт билан шугууланувчи талабалари учун мўлжалланган “Меңнат иқтисодиёти ва социологияси”, “Инсон ресурслари иқтисодиёти ва уни бошқариш”, “Меңнат бозори иқтисодиёти” ўкув дастурларини такомиллаштириш ва маъруза матнларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация иши юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Қашқадарё вилояти Меңнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси (Қашқадарё вилояти хокимлиги Меңнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш бош бошқармасининг 2009 йил 23 марта даги 439-сон маълумотномаси), ҳамда Қарши шаҳар Меңнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш бошқармаси (Қарши шаҳар Меңнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш бошқармасининг 2009 йил 24 марта даги 1-02/220-сон маълумотномаси) томонидан амалиётга жорий этилди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий гоялари ва натижалари Г.В.Плексанов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳар филиали назарий-методологик семинари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети назарий семинари, Қарши давлат университети факультети хузуридаги назарий-методологик семинаридан

синовдан ўтган ҳамда “Экономические реформы в социально-трудовой сфере” (Ташкент, 2006 г.), Двадцатые Международные Плехановские чтения “Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях” (Москва, 2007 г.), «Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане». (Ташкент, 2008 г.), “Ахоли банддиги ва фаровонлигини ошириша кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни” (Тошкент, 2008 й.) халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида баён килинган ва маъкулланган.

Шунингдек, диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иктисадиёт институтида, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиши вазирлиги кошидаги Илмий марказда, Тошкент давлат иктисадиёт университети кошидаги Д.067.06.01 рақамли Ихтисослашган кенгац илмий семинарида муҳокама қилиниб, ҳимояяга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганини. Диссертация иши юзасидан жами 8 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган бўлиб, шундан 2 та мақола хорижий илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 152 бетдан иборат бўлиб, 22 та расм ва 21 та жадвални ўз ичига олган.

Диссертациянинг кириш кисмida мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг “Мехнат ресурсларини бошқаришнинг илмий-услубий асослари” деб номланган биринчи бобида меҳнат ресурсларининг таркибий кисмлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, меҳнат бозорининг шаклланиш қоидаларни ва тизими тавсифланган, Ўзбекистонда меҳнат ресурсларини тартибга солиш ва бошқариш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш воситалари асослаб берилган.

Диссертациянинг “Жаҳон молиявий-иктисадий инқирози шароитида Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурсларининг иш билан банддиги даражасини оширишнинг асосий йўналишлари” деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё вилояти меҳнат бозорининг хозирги ҳолати таҳлил қилинган, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ахолини иш билан банд килиш ва янги иш ўрниларини яратиш, миграция жараёнларини бошқариш юзасидан илмий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг “Вилоятда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобида вилоятда жаҳон молиявий-иктисадий салбий оқибатларини бартараф этиш омиллари сифатида касаначилик, хизмат соҳалари ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўрниларини яратиш, ахолини иш билан банддигининг прогноз вариантлари ва уларни амалга

оширишни бошқаришнинг худудий дастурини шакллантиришнинг услугий асослари ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг якуний қисмида тадқиқот бўйича асосий хуносалар ҳамда натижаларидан фойдаланиш юзасидан таклифлар берилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иктисолиётни таркибий ўзгартериш, диверсификациялаш жараёнида меҳнат ресурсларини бошқариш, айниқса, ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи шароитида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шу муносабат билан “пухта ўйланган тараққиёт моделини танлаб, келажагимизни куришга киришганимиз, кейинги йилларда эса иктисолиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация килиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида чукур ўйланган сиёсатни амалга ошираётганимиз юртимизни ҳар қандай иктисолиёт хавф-хатардан ҳимоя қиласиган кучли тўсиқ, таъбир жониз бўлса, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди”¹ деб уқтириди.

Иктисолиёт фанида моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг иккى таркибий қисми – моддий ресурслар (хомашё, асобобускуналар ва ҳоказолар) ҳамда меҳнат ресурслари (муаяин меҳнатни бажаришга қодир, билими, малака ва таҳрибаси бор бўлган ходим) фарқланади. Иктисолиёт фани ривожланиши турли босқичларидан иктисолиёт ёки ишлаб чиқариш ресурсларининг энг муҳим таркибий қисми – инсон ресурслари турлича – “иш кучи”, “меҳнат ресурслари”, “меҳнат салоҳияти”, “инсон омили”, “инсон капитали” деб номланаб келди. Иктисолчи олимлар иш кучини инсон меҳнат жараёнида сарфлайдиган жисмоний ва маънавий қобилиятларининг мажмуаси сифатида баҳолашган. Иш кучи ва меҳнат ресурслари кўпинча бир маънода кўлланилади. Меҳнат салоҳияти, инсон омили, инсон капитали тушунчалари иктисолиётда инсонга ресурс сифатида эмас, балки ишлаб чиқаришнинг асосий субъекти деб қаралиши билан боғлиқидир.

Бутунги кунда меҳнат ресурслари дейилганда одатда меҳнатга лаёқатли аҳоли тушунилади. “Меҳнат ресурслари – аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми бўлиб, улар жисмоний ва интеллектуал қобилиятлари орқали моддий бойлик ишлаб чиқаради ва хизматлар кўрсатади”². Мамлакатимиз иктисолочи олими Ҳ.П.Абулкосимовнинг фикрича ҳам: “Меҳнат ресурслари – бу меҳнат килиш қобилиятига эга бўлган аҳолини ифодалайди”³.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиётига мувофиқ эса, меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда

¹ Каримов И.А. Тарихи бой, бутун гўзал, келажаги буюк шахар // “Халқ сўзи” газетаси 2009 йил 2 сентябрь.

² Экономика труда: Учебник / под ред. П.Э. Шлендера и Ю.П. Кокина. –М.: Юристъ. 2002. - С. 75.

³ Ижтимоий-иктисодий жаҳриёнларни бошқариш/Абулкосимов Ҳ.П. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси.-Т. F. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007. -236-237 ўз.

мехнатга лаёкатли ёшдан ташқари ёшда (пенсионерлар ва ўсмирлар) мехнат килаётган шахсларнинг йигиндисидир¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 24 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтоҷ, меҳнат билан банд бўлмаган ахолини хисобга олиш методикасини тақомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сон карорида “Мехнат ресурслари - меҳнатга лаёкатли ёшдаги меҳнатга лаёкатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёкатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишлаётган шахслар”² эканлиги кўрсатилган.

Биз уларни умумлаштирган ҳолда меҳнат ресурсларига қуидаги таъриф берамиз. “Мехнат ресурслари – бутун жамиятнинг, яъни ижтимоий фаол ахолининг меҳнат килишга жамланма қобилиятидир”.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларини тартибга солиш ва бошқариш бўйича давлат сиёсати қуидагиларни кўзда тутади:

- иктисодиётда таркибий ўзгаришлар ҳамда диверсификациялаш тадбирларини амалга ошириш, иктисодиёт реал секторини кўллаб-куватлаш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ҳисобига иш билан бандлик даражаси баркарорлигини таъминлаш;
- кичик бизнесс ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш орқали кўшимча иш ўрнилари сонини муттасил кўпайтириб бориш, яъни меҳнат ресурсларига талаабни рағбатлантириш;
- меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги даражасини оширишнинг янги усул ва шаклларидан самарали фойдаланиш, хўсусан касаначиликни жадал ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш;
- меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигини оиласларни иш кучи ортиқча бўлган минтақалардан иш кучи етарлича бўлмаган минтақаларга кўчиб ўтишлари учун субсидиялар бериш ва кредитлар ажратиш йўли билан кўллаб-куватлаш;
- меҳнат бозорида ракобатбардош бўлмаган ходимларни давлат томонидан ижтимоий муҳофаза килиш.

Шуларни инобатга олиб диссертацияда ушбу давлат сиёсатини амалга ошириш воситалари ва тадбирлари асосланган (1-расм).


Унга кўра, давлат меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва таклифи рағбатлантириш, уларни мутаносиблигини таъминлаш чоралари асосий аҳамиятга эга. Диссертацияда ана шу чораларни давлат иктисодий, ташкилий ҳамда маъмурий- қонунчилик усуллари билан амалга ошириш йўллари ва шартлари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси учун меҳнат ресурсларининг муттасил ортиб бориши хосдир. Бу биринчи навбатда, демографик жараёнлар билан боғлиқдир.

¹ Утинова С.С. Методологические подходы к анализу проблем занятости и рынка труда // -М.: Ж. Вопросы статистики. 2003. № 7. - С. 34.

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 24 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтоҷ, меҳнат билан банд бўлмаган ахолини хисобга олиш методикасини тақомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сон карори. www.lex.uz.

Мехнат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш, бошқариш воситалари ва тадбирлари



**1-расм.Худудда мехнат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш ва
бошқариш воситалари**

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Сўнгти йилларда мамлакатда тугилиш бирмунча камайганига қарамасдан (1992 йилдаги 2,3 % дан ҳозирги вақтдаги 1,1 % га) аҳоли сони тобора ортиб бормоқда. Мамлакатда 1997 йилда ҳар 1000 кишига нисбатан тугилиш 25,5 ни (табиий ўсиш 19,7 ни) ташкил этган бўлса, 2008 йилда – 23,6 (табиий ўсиш 12,6)¹ нафарга етди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Аҳолишунослик бўлими прогнозларига мувофиқ Ўзбекистонда 2010 йилгача аҳоли сони яна 303,0 минг нафарга ёки 3,3% га кўпайиши кутиляпти².

Қашқадарё вилояти ҳам аҳолисининг интенсив кўпайиб бориши билан ажralиб туради. Вилоятда меҳнат ресурслари биргина 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 3,7 % га кўпайиб, 1344,4 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 55,0 %-ни ташкил этди(1-жадвал), улардан 925,8 минг киши иқтисодий фаол хисобланади.

1-жадвал

Қашқадарё вилояти меҳнат ресурсларининг таркиби (2009 йил 1 йиваригача бўлган маълумот)

Вилоят туман ва шаҳарлари	Меҳнат ресурслари сони, минг киши	шу жумладан			
		иқтисодий фаол аҳоли		иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли	
		сони,минг киши	%	сони,минг киши	%
Карши шаҳри	134,6	91,4	67,9	43,2	32,1
Шаҳрисабз тумани	154,6	107,4	69,5	47,2	30,5
Яққабоғ тумани	107,9	74,8	69,3	33,1	30,7
Ғузор тумани	80,2	55,1	68,7	25,1	31,3
Дехқонобод тумани	56,7	39,1	69,0	17,6	31,0
Қамаши тумани	104,9	72,6	69,2	32,3	30,8
Қарши тумани	102,9	70,9	68,9	32,0	31,1
Қасби тумани	77,9	53,2	68,3	24,7	31,7
Қитоб тумани	109,9	75,1	68,3	34,8	31,7
Қосон тумани	111,8	77,5	69,3	34,3	30,7
Миришкор тумани	52,8	36,3	68,8	16,5	31,3
Муборак тумани	49,0	32,7	66,7	16,3	33,3
Нишон тумани	56,6	38,8	68,6	17,8	31,4
Чирокчи тумани	144,6	100,9	69,8	43,7	30,2
Вилоят бўйича	1344,4	925,8	68,9	418,6	31,1

Манба: Қашқадарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш бош бошқармаси маълумотлари.

¹ Статистическое обозрение Узбекистана 2008. www.stat.uz.

² Инсон тараккниёт тўғрисида маъруза: Ўзбекистон – 2005. www.undp.uz.

2008 йилда түғилганлар сони 64,1 минг кишини ташкил этди ёки 2007 йилга нисбатан 7,7 % га кўпайди. Тугилиш коэффициенти 25,2 промиллени ташкил этди, бу 2007 йилдагидан 1,3 промиллега ортиқидир. Вилоятда ахолининг табий ўсиши ҳар 1000 нафар кишига 2007 йилдаги 19,8 дан 2008 йилда 21,3 га етди, яъни аҳоли бир йилда 54,3 минг нафарга кўпайди. Бунинг 29,7 минги қишлоқ жойларига тўғри келади.

Шу билан бир қаторда мамлакатда меҳнат ресурсларидан фойдаланишда қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатиш керак. Биринчи навбатда иктисолёттармоқларида таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигига иш билан бандлар салмоги сезиларли даражада камайди. Ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларга айлантирилиши маҳсулот бирлигига меҳнат сарфини 8,0–10,0% га камайтириди¹. Кўп жиҳатдан шу сабабли мазкур соҳада иш билан банд бўлганлар 1997 йилдаги 40,7 % (умумий иш билан банд бўлганларга нисбатан) 2008 йилда 28,1 % га тушиб қолди.

Шуларни инобатга олиб диссертацияда мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда иктисолётда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялашни аҳамияти ва ролига баҳо берилган. Иктисолётда диверсификация (лотинча “diversificatio” – “ўзгариш”, “хилмажил”, “тараккиёт” маъносини англатади) – корхона (бирлашма)ларнинг фаолияти соҳалари турларининг кенгайиши, янгилаб турилишидир². Диверсификация на факат ишлаб чиқариш, балки хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам кенг кўлланилади. Диверсификация энг аввало юкори самародорликка эришиш, бир тармоқ ёки соҳага боғланиб қолишига барҳам бериш ва турли соҳалар учун кенг имкониятлар очиш мақсадларда амалга оширилади. Диверсификация натижасида иктисолёттармоқлари ва соҳалари учун хизмат кўрсатувчи инфратузилма кенг ривожланади, маҳсулот ва хизматлар экспортини ташкил этиш ва ривожлантириш учун пухта замин яратилади. Иктисолёттармоқларини мутаносиб ва тизимли тарзда ривожлантириш асосида янги иш ўринларини нафакат ишлаб чиқаришда, балки хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам яратилади. Ҳозирги кунда диверсификация фан – техника тараккиёти ютуқларини кенгроқ кўллаётган йўналишларда намоён бўлмоқда. Масалан, телекоммуникация ва аҳборот технологиялари, кимё, фармацевтика, машинасозлик соҳалари юкори илмтабаб тармоқлар сирасига кириб, ушбу соҳаларда янги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш имконияти кенгайиб бормоқда.

Мамлакатда 2000 йилда таркибий ўзгаришлар ва иктисолётни диферсификация килиш бўйича ислохот ва янгиланишлар йўналиши аниқ белгилаб олинган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов шу муносабат билан “бу йўналиш буғун ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаган, кейинги йилларда ҳам йўқотмайди. Нега деганда биз иктисолётимиз ва мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги

¹ Инсон тараккиётни тўғрисида маъруза: Ўзбекистон – 2005 www.undp.uz - 44-6.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 3-том. –Т :2002. -289 6.

ракобатбардошлигини айнан мана шу ўта мухим, ўзак вазифани бажариш орқалигина таъминлай оламиз¹, деб уқтирган.

Мамлакатимизда 2010 йилгача мўлжалланган иқтисодиётни таркибий ўзгариши концепцияси доирасида ана шу вазифалар изчили амалга оширилмоқда. Мазкур концепциянинг устувор йўналишлари илмий исда тақидланганнидек, кўйидаги принципиал вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

- иқтисодиётнинг хом ашё этиштиришдан иборат бир томонламалигига чек қўйиш;

- истеъмолга тайёр, яъни тугалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш;

- импорт ўрнини боса оладиган товарларни иложи борича мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш, импортга карамликни чеклаш;

- маҳсулот сифати ва ракобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиб, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш;

- ишлаб чиқарышнинг истиқболли соҳаларига устуворлик бериб, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;


- меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, янги технологияларга ўтиш, ҳалқимизнинг миллий ва тарихий анъаналарига мос келадиган янги соҳаларни барпо этиш;

- ўзимизда ишлаб чиқариладиган товарлар ҳисобидан миллий бозорларни тўлдириши орқали ҳалқ истеъмол молларининг мухим турларига бўлган аҳоли талабларини тўлароқ кондириш.

Мамлакат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаши тадбирлари Ўзбекистоннинг ёнилги ва дон мустақиллигига эришиш имкониятини берди. Шу билан бир қаторда, саноат маҳсулотлари таркибий тузилишида ҳам сифаг ўзгаришлари рўй бермоқда. Жумладан, ялпи саноат маҳсулотлари ҳажмида ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимё саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг улуши ортиб бормоқда.

Таҳдиллар шуни кўрсагдики, Қашқадарё вилояти иқтисодиётида ҳам чукур таркибий ўзгаришлар амалга оширилган. Натижада вилоядта 2008 йилда ялпи худудий маҳсулот ҳажми 2831,6 млрд.сўмликка (2007 йилдагидан 11,7 % кўп) этди. Бунинг 948,6 млрд.сўмлигини саноат маҳсулотлари (33,5 %), 642,8 млрд.сўмлигини кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (22,7 %) ташкил этди (2-расм).

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкорози, Ўзбекистон шароитида уни баътараф этишининг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон. 2009. – 39 б.



- Саноат
- Кишлоқ хўжалиги
- Курилиш
- Транспорт ва алоқа
- Савдо ва умумий овқатланиш
- Бошқалар

2-расм. Кашқадарё вилояти ялпи худудий маҳсулоти ҳажмида тармоқлар улуши (2008 й., %, хисобида)

Мағба: Кашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Шу билан бир вақтда Кашқадарё вилоятида ишлаб чиқаришни диверсификация қилинши кўллаб қуватлаш учун инкирозга қарши чоралар худудий дастури доирасида минтақа иктисолдётининг реал сектори корхоналарига 76,2 млрд. сўм микдорида кредитлар ажратилган, 181 та саноат корхонасида ишлаб чиқариш харажетлари 20,0 % га – 168,0 млрд. сўмга қискартирилиши кўзда тутилган.

2009 йил 1 январигача бўлган маълумотларга кўра, вилоядага фақат 2008 йилдаги иш кучи таклифи 88,1 минг кишини ташкил этган. Уларнинг 54,4 % ёки 47,9 минг нафарини иш билан банд бўлмаган ҳолда фаол иш кидирудчилар ташкил этади. Вилоят меҳнат бозоридаги иш кучи таклифини қондириш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. 2008 йилда 59,2 мингта ёки иш кучи таклифининг 67,3 % учун янги иш ўринлари яратилди (2-жадвал).

Кашқадарё вилояти туман ва шаҳарларида Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун муайян чораларни кўрмокдалар. Айникса ишга муҳтоҷ аҳолини расмий рўйхатга олишни тартибга солишига зътибор кучайтирилган. Таҳлиллар кўрсатишича, вилоят меҳнат органлари томонидан рўйхатга олинган ишга муҳтоҷ фуқаролар сони 2008 йилда 58,2 минг кишини ташкил этган. Бу 2007 йилдагига нисбатан 55,6 минг кишига ёки 4,7 % кўпдир. Бу кўп жihatдан 2007 йил май ойидан бошлаб вилоядаги ишга муҳтоҷ аҳолини уйма-уй хатлов килингандиги самараасидир. Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан рўйхатга олинган ишга муҳтоҷ фуқароларни иш билан таъминлаш даражаси ҳам ортиб борган.


2-жадвал

Қашқадарे вилоятида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш дастури асосида янги иш жойлари ташкил этиш кўрсаткичлари ўзгариши*

Кўрсаткичлар	2007 йилда	2008 йилда	
		Дастур бўйича	Амалда
Янги обьектларни ишга тушириш хисобига	1844	1859	2569
Мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтирип, улар кувватлардан самарали фойдаланиш хисобига	4436	4777	4925
Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил килиш хисобига	6241	8723	9582
Тадбиркорликни ривожлантириш хисобига	4360	5096	6059
Фермер хўжаликларини ташкил этиш хисобига	4360	5096	6059
Уй меҳнатини ташкил этиш хисобига	22038	21858	22984
Ижтимоий инфраструктурни ривожлантириш хисобига	4258	3975	4150
Бозор инфраструктурини ривожлантириш хисобига	1053	1564	1731
Вилоят бўйича	54225	54653	59191

Манба: Қашқадаре вилояти Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари.

Агар 2004 йилда бандлихни бошқариш органларига мурожаат этиб, рўйхатта олинганларнинг 78,6 % иш билан таъминланган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич – 80,5 %, 2006 йилда – 80,6 %, 2007 йилда эса 88,2 % га етган. Вилоят туман ва шаҳарларидаги 2008 йилда иш билан бандлихка кўмаклашувчи марказларга мурожаат этган ишга муҳтожларнинг 88,8 %, ёки - 51,7 минг кишиси иш билан таъминланган (3-расм).



3-расм. Қашқадаре вилоятида 2008 йилда ишга мұндох же ғарнитур ресурсларини рўйхатга олиш ва уларнинг иш билан таъминланниши даражаси, (минг киши хисобида)

Манба: Қашқадаре вилояти Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари.

Шу билан бирга амалга оширган тадқиқотларимиз Қашқадарё вилояти меҳнат органларининг меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги даражасини ошириш бўйича фаолиятларида муайян муаммолар ҳам борлигидан далолат беради. Бугунги кунда минтақавий меҳнат бозорида иш кучи таклифи унга талабдан юкорилиги сабабли тифизлик сақланиб колмоқда. Шу билан бирга расмий маълумотлар туман ва шаҳарлардаги Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказларга ишга муҳтож ахолининг атиги 30,0 % мурожаат қилишидан далолат беради¹. Шунинг учун меҳнат ресурсларини бошқаришини такомиллаштирища меҳнат органларининг иш усулларини тубдан такомиллаштириш биринчи даражали вазифа хисобланади.

Вилоятнинг Дехқонбод, Қамаши, Қарши, Касби, Миришкор, Нишон ва Чирокчи туманларида меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги даражасини ошириш учун сервис ва хизмат соҳасини илдамроқ суръатларда ривожлантириш талаб этилмоқда. Косон ва Чирокчи туманларида эса, ахолини турар жой билан таъминлашни яхшилаш учун курилиш кўламларини кенгайтириши, ипотека хизматини кенг жорий этиш керак. Шуларни хисобга олиб диссертацияда кичик бизнес, хизматлар кўрсатиш, уй хўжалиги ва касаначиликни ривожланишини кўллаб-куватлаш орқали ахоли бандлигини ошириш йўллари асосланган.

Меҳнат ресурсларига янги иш ўрнлари яратишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатлarda ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлмоқда. Қашқадарё вилоятида 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатта олинган жами кичик бизнес субъектларининг сони 74865 тани ташкил қиласди. Вилоят ялпли ички худудий маҳсулоти ҳажмининг 50,9 % кичик бизнес субъектлари, шу жумладан 33,2 % кичик корхоналар ва микрофирмалар, 8,1 % якка тадбиркорлар, 11,6 % дехқон хўжаликлари улушига тўғри келади. Янги иш жойларининг 2008 йилда 34 мингтаси бевосита мазкур соҳада ташкил этилган. Вилоят иқтисодиётида иш билан банд меҳнат ресурсларининг 73,2 % (665,0 минг киши) кичик бизнес соҳасида меҳнат кильмоқда. Бу секторда иш билан банд бўлганларнинг асосий кисми 93,9 % и хусусий тадбиркорлик улушига тўғри келади.

Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришини жадаллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. 2008 йилда вилоятнинг Иш билан бандликка кўмаклашши жамғармаси ҳамда тижорат банклари маблағлари хисобидан мазкур мақсадларга режадаги 770,7 млн. сўм ўрнига 2,9 млрд.сўм (шундан 536,5 млн.сўми Иш билан бандликка кўмаклашши жамғармаси маблағлари хисобидан) маблағ ажратилган. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича вилоятда ишлаб чиқилган дастур режаси саккиз баравардан ҳам кўпроқка ошириб бажарилиб, 25395 та (шу жумладан кишлоқ жойларида 21651 та) янги иш ўринлари яратилган.

¹ Рудакова В. Польза кооперации// -Т.: Г. Правда Востока. 19 июля 2007 г.

Кишлоқ жойларида истикомат килувчи аҳолини иш билан таъминлашда дехқон хўжаликлари ташкил этилиши ҳам яхши самара бермоқда. Тахлиллар шуни кўрсатдики, Қашқадарё вилоятида ҳам 2003 йилдан бўён кишлоқ аҳолисига кўшимча 19526 гектар ер майдонлари ажратилиган. Шу билан бир каторда 2006-2008 йилларда тижорат банклари ва Иш билан бандликка кўмаклашиш жамгармаси маблағларидан 16,9 млрд.сўм кредит ажратилиб, 24,5 мингтадан кўпроқ кам таъминланган ва кўп болали оиласаларга қорамол сотиб олишларига кўмаклашилган. Кишлоқ аҳолисига кўшимча ер майдонлари ажратилиши вилоятда дехқон хўжаликлари сонини кўпайтириш имконини беради.

Мехнат ресурсларини иш билан таъминлашда касаначиликнинг аҳамияти ҳам каттадир. Шуни инобатга олиб диссертацияда вилоятда ўй меҳнати негизида касаначиликни йирик саноат корхоналари билан кооперация, буюртма шартномаси ҳамда оиласалар тадбиркорлик асосида ривожлантириш йўллари асосланган.

Кейинги йилларда жаҳонда миграция жараёнлари кучайиб бормоқда. Мехнат миграциясида донор мамлакатлар (иш кучини экспорт килувчилар) ҳамда реципиент мамлакатлар (иш кучини импорт килувчилар) фарқланади. Умуман олганда меҳнат миграцияси реципиент мамлакатнинг иш кучига бўлган эҳтиёжини таъминлайди, донор мамлакатларда эса иктисадий фаол аҳолини эса иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Қашқадарё вилоятида меҳнат фаолиятини чет элларда амалга ошираётган фуқаролар сони 2002-2006 йилларда жами 25,2 минг кишига етган¹. Вилоятда доимий яшаш жойидан узок муддатга чиқиб кетган фуқароларни аниқлаш ва аҳоли миграциясининг доимий мониторинги йўлга кўйилган. Туман ва шаҳарлардаги 597 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларда 2008 йил 1 сентябргача амалга оширилган мониторинг натжаларига кўра хорижий мамлакатларга ишлаш учун ноқонуний кеттганлар сони 30,8 минг кишини ташкил этган эди. 2009 йил 1 февралидаги маълумотлар бу кўрсаткич 17,9 минг кишига тенг бўлган. Чет элларга ўзлари ишлаш учун кеттганларнинг аксарият кўпчилиги – 98,2 % Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги, факат 1,8 % бошқа узоқ хорижий мамлакатларда меҳнат фаолиятини амалга оширмоқдалар.

Ноқонуний меҳнат мигрантларининг аксарияти – 98,6 % эркаклардир. Бу тоифа аҳолининг маълумоти бўйича таснифланиши куйидагичадир. Уларнинг 7,0 % олий, 20,0 % ўрта маҳсус, 73,0 ўрта маълумотлилардир.

Қашқадарё вилоятида мазкур жараёнлар, айниқса демографик вазиятни хисобга олган холда, шунингдек Инқирозз қарши чоралар худудий дастури доирасида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Унга мувоғиқ вилоятда 2009 йилда 51,7 мингта, 2010 йилда эса 52,2 мингта янги иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланган. Шуни инобатга олиб илмий ишда уларнинг тармоқ таркиби кўрсаткичлари прогноз қилинган. Ҳисоб-китоблар кўсатишича, янги ишлаб чиқариш кувватларини ишга

¹ Қашқаларё вилояти Иш билан бандликка кўмаклашуви марказ маълумотлари.

тушириш, мавжуд саноат корхоналарини реконструкция килиш ҳисобига 2010 йилда – 5,9 мингта янги иш ўринлари яратилади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 2010 йилда 40,0 мингта касаначиликни кенгайтириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш асосида мос равища 4,3 ва 4,8 мингта кўшимча иш ўринлари барпо этилади.

Вилоятда таркибий ўзгаришлар ва иктиносидиётда диверсификациялаш жараёнларида меҳнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ахолининг иш билан бандлиги даражасини оширишга хизмат қиласди. Бу эса мамлакатда изчил амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг энг устувор йўналишидир.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида Қашқадарё вилоятида таркибий ўзгаришлар ва иктиносидиётда диверсификация қилиш жараённида меҳнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш хусусиятлари таҳлил этилди ва умумлаштирилди, иш билан бандликнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиша улардан фойдаланиш бўйича илмий хуносалар чиқаралиб, амалий тавсиялар тайёрланди. Улар қуидагилардан иборатdir:

1. Мамлакатда кўп укладли иктиносидиётни шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, айниқса сўнгги йилларда иктиносидиётдаги таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш жараёнлари иш билан бандлик тизимида янги тенденцияларни юзага чиқарди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал суръатларда ривожлантиришга устуворлик берилётганлиги, иктиносидиёт тармоклари ва минтақалар, меҳнат фаолияти соҳалари ва турлари ўртасида меҳнатга лаёкатли ахолининг интенсив ҳаракатланиши ортиб бориши, зарар кўриб ишлайдиган ва кам рентабелли корхоналар фаолияти тұхталиши, меҳнат бозорларида иш кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатсизлик ҳамда бошқа турли омиллар меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашни кучайтириди.

2. Меҳнат ресурсларини самарали бошқариш учун Қашқадарё вилояти меҳнат потенциалини ҳисобга олиш зарур. Шудан келиб чиқиб, илмий исда вилоят, шунингдек унинг туман ва шаҳарлари меҳнат потенциалининг микдорий кўрсаткичларини ҳисоблаш усули таклиф этилган.

3. Иктиносидиётда таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш жараёнлари кучайган ҳозирги шароитда вилоятда меҳнат ресурслари бандлиги, талаб ва таклиф мутаносиблигига эришиш жуда муҳимдир. Шуни инобатга олганда, ахолининг иш билан барқарор бандлиги даражасини сақлаб туриш учун иктиносидиётнинг истиқболли тармокларида мавжуд иш ўрниларини сақлаб қолиш; иш билан бандлик таркибини такомиллаштириш, ишга муҳтоҷ ахолини меҳнат бозорида ракобатбардош касб ва ихтиносликларга ўқтиш қўламларини кенгайтириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал суръатларда

ривожлантириш ҳисобига кўшимча иш ўрнилари яратиш; аҳолини, айниқса аёлларни иш билан таъминлашнинг янги шакли сифатида касаначалик харакатини янада кенгайтириш; меҳнат миграциясини тартибга солиши минтақада меҳнат ресурсларини бошқаришнинг устивор вазифалари ҳисобланади.

4. Вилоятда Инқирозга қарши чоралар худудий дастури асосида меҳнат ресурсларини самарали бошқариш кўйидаги омилларни ўз ичига олади:

- минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш устивор йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда молия ресурсларини оқилона тақсимлашни таъминлаш;

- иш берувчиликнинг янги иш ўрнилари яратишга рағбатлантириш максадида уларга солиқ ва кредит имтиёзлари бериш, субсидиялар ажратиш;

- хўжалик юритувчи субъектларда ходимларни асоссиз равишда қисқартирилишини олдини олиш;

- корхоналарнинг банкротликка учраши ҳолларида улар ишчиларини иш билан таъминлаш учун ўқитиш ва қайта тайёрлашни кафолатлаш.

5. Инқироз шароитида минтақавий меҳнат бозори эгибувчанлигини таъминлаш мақсадида:

- иш кучига талаб ва таклиф мутаносиблигига эришиш учун худудий, қасб-хунарлар ва иктиносий меҳнат бозорлари инфратузилмаларини ривожлантириш;

- бўш иш жойлари ва вакант лавозимлар тўғрисида аҳолини тезкор хабардор қилиш ишларини фаоллаштириш;

- минтақа худудлари ва иктиносий тармоклари ўргасида иш кучи харакатчанлигини оширишга кўмаклашши;

6. Вилоят туман ва шаҳарларидаги Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини тақомиллаштириш учун кўйидагилар тавсия этилади:

- марказлар бошқарув таркибини макбуллаштириш, улар фаолиятида манзиллик принципларини амалга ошириш, яъни асосий зътиборни аҳолининг ижтимоий муҳофазага мухтож қатламларига қаратиш;

- ишга муҳтож аҳолини ҳисобга олишин янада тақомиллаштириш;

- Иш билан бандликка кўмаклашши жамгармаси маблағлари ҳисобидан янги иш ўрнилари яратишга кредитлар ажратиш ва субсидиялар бериш тажрибасини кенгроқ кўллаш;

- вактингчалик ва жамоат ишлари ташкил этиши кўламларини янада кенгайтириш;

- иш кучи таклифи унга талабдан юқорилигини ҳисобга олган ҳолда Дехқонобод, Камаши, Қарши, Касби, Миришкор, Нишон ва Чирокчи туманларида аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш учун сервис ва хизмат соҳасини илдамроқ суръатларда ривожлантириш тадбирларини амалга оширишга кўмаклашши;

- “Кишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” худудий дастури доирасида кишлоқ жойларида, айниқса Косон ва Чирокчи туманларида турар

жой курилиши кўламларини кенгайтириш, ипотека хизматини кенг жорий этиш чораларини кўриш.

7. Вилоятда аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш худудий дастурларига куйидагиларни киритиш тавсия этилади:

- қишлоқ жойларида саноат ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технология билан жиҳозланган ихчам корхоналар ташкил этиш;

- қишлоқда курилиши кўламларини кенгайтириш, янги обод турар жойлар, ижтимоий, маданий ва маиний инциоатлар барпо этиш;

- қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, янги йўллар барпо этиш, электр, газ, ичимлик сув таъминотини тубдан яхшилаш ҳисобига, биринчи навбатда ёшларга мўлжалланган қўшимча иш ўрнилари яратиш тадбирларини киритиш.

8. Вилоятда меҳнат ресурсларини бошқаришини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида ҳар бир туман ва шахарда демографик вазият, ижтимоий-иктисодий ривожлантириш жорий ва истиқболли режалари ҳисобга олинган холда аҳолини барқарор иш билан бандлигини, қўшимча иш жойлари яратишни таъминлашнинг молиявий манбаларини аниқлаш; меҳнат ресурслари баланси, ишсиз фуқароларнинг ёши ва жинси, ижтимоий ва қасб гурухлари таркибини мунтазам таҳлил этиб бориши; минтақавий меҳнат бозорида ҳар бир қасб ва ихтиосликка талаб, иш кучи сифати мониторингини йўлга қўйиш ва шу асосда бошқарув қарорлари қабул қилиниши таъминланниш керак.

ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Турсунов Ш.Х. Занятость население в процессе регулирования рынка труда// «Экономические реформы в социально-трудовой сфере». Материалы международного научно-практического семинара. – Т.: 2006.-С.28-30

2. Турсунов Ш.Х. Социально-экономическое значение человеческого капитала в развитии общества // «Инвестицион и инновацион лойиҳаларини ишлаб чиқиш, самародорлигини баҳолаш ва уларни амалга ошириш» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Иктисол-молия. 2006.-194-195 б.

3. Турсунов Ш.Х. Социально-экономическое развитие региона в условиях рыночной экономики //Двадцатые международные Плехановские чтения. -М. 2007. -С. 67-68.

4. Турсунов Ш.Х. Бозор иктисолиётини ривожлантириши жараённда аҳолини ижтимоий химоялаш - муҳим вазифа // “Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси маърузалари тўплами. – Т.: Фан. 2007 -162-164 б.

5. Турсунов Ш.Х. Меҳнат ресурслари шаклланишининг минтақавий хусусиятлари // Жамият ва бошқарув. – Т.: 2008, 1-сон. -123-124 б.

6. Турсунов Ш.Х. Мехнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши имкониятлари // Иқтисодиёт ва таълим. – Т.: 2008, 4-сон. -23-25 б.

7. Турсунов Ш.Х. Қашқадарё вилоятида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозорининг ривожланиши// Материалы международной научно-практической конференции «Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане». Часть 2. -М.2008. – С. 228-230

8. Турсунов, Ш.Х., Узоков Н. Кичик бизнеснинг фермер хўжаликларининг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи// “Аҳоли бандлиги ва фарононлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни” республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Молия. 2008. – 77-80 б.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Турсунов Шуҳрат Ҳамидовичнинг 08.00.13-“Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича “Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоятида таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётда диверсификация қилиш жараёнида меҳнат ресурсларини бошқариши таомиллаштириш” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: меҳнат ресурслари, таркибий ўзгаришлар, диверсификациялаш, меҳнат ресурсларини бошқариш, меҳнат бозори, иш билан бандлик.

Тадқиқот объектлари: Қашқадарё вилояти иқтисодиёти тармоқлари ва меҳнат ресурслари.

Ишининг мақсади: Қашқадарё вилоятида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификациялаш, меҳнат ресурсларини бошқариш, меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: диссертация ишида илмий натижалар олиш учун статистик, математик, иқтисодий таҳлил, кўёсий таққослаш, тизимли ёндашув, умумлаштириш, гурӯхлаш, илмий абстракция ва бошقا методлардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Қашқадарё вилоятида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификациялаш жараёнида минтақада меҳнат ресурсларини бошқариш самарадорлигини оширишнинг услуг ва воситалари аниқланди, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш минтақа хусусиятлари ва меҳнат бозори субъектлари нутқай назаридан асосланди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган асосий илмий хулоса ва тавсиялардан Қашқадарё вилояти иқтисодиёти тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификациялаш жараёнида меҳнат ресурсларини бошқаришини янада таомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши, аҳолининг иш билан бандлиги вилоят дастурларини ишлаб чиқиши, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш истиқболли режаларини тузища фойдаланиш имкониятини беради. Диссертация материалларидан олий ва ўрга маҳсус таълим юртларининг иқтисодиёт билан шуғулланувчи талабалари учун мўлжаланган “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”, “Инсон ресурслари иқтисодиёти ва уни бошқариши”, “Меҳнат бозори иқтисодиёти” ўкув дастурларини таомиллаштириш ва ўқитища ҳам фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиши даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари Қашқадарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш бош бошқармаси ҳамда Қарши шаҳар Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиши муаммоларини ўрганиш бошқармаси томонидан амалиётта жорий этилди (Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий хизоя килиши бош бошқармасининг 2009 йил 23 мартағи 439-сон маълумотномаси) ва Қарши шаҳар Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиши муаммоларини ўрганиш бошқармасининг 2009 йил 24 мартағи 1-02/220-сон маълумотномаси).

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Минтақавий меҳнат бозорини тартибга солиш ва бошқариш дастурларини шакллантиришда фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

**диссертации Турсунова Шухрата Хамидовича на тему:
«Совершенствование управления трудовыми ресурсами
Кашкадарыинской области Республики Узбекистан в процессе
структурных изменений и диверсификации экономики» на соискание
ученой степени кандидата экономических наук по специальности
08.00.13. - «Менеджмент и маркетинг»**

Ключевые слова: трудовые ресурсы, структурные изменения, диверсификация, управление трудовыми ресурсами, рынок труда, занятость.

Объекты исследования: объекты экономики и трудовые ресурсы Кашкадарыинской области.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по осуществлению структурных изменений и диверсификации в экономике Кашкадарыинской области, управлению трудовыми ресурсами, регулированию рынка труда.

Методы исследования: в диссертационной работе использованы методы современного менеджмента системного подхода, статического, экономического анализа, сравнения, группировки, научной абстракции и другие.

Полученные результаты и их новизна: в процессе осуществления структурных изменений и диверсификации в экономике Кашкадарыинской области выявлены методы и средства повышения эффективности управления трудовыми ресурсами, роста уровня занятости населения с учетом особенностей региона и субъектов рынка труда.

Практическая значимость: разработанные в процессе исследования основные научные выводы и рекомендации можно использовать в процессе осуществления структурных изменений и диверсификации в отраслях экономики Кашкадарыинской области, при разработке мер дальнейшего совершенствования управления трудовыми ресурсами, разработке областных программ занятости населения, составлении перспективных планов эффективного использования трудовых ресурсов, в совершенствовании учебных программ и преподавание курсов «Экономика и социология труда», «Экономика человеческих ресурсов и управление ею», «Экономика рынка труда», предназначенных для студентов высших и средних специальных образовательных учреждений, занимающихся экономикой.

Степень внедрения и экономический эффективность: результаты исследования внедрены в практику Главным управлением труда и социальной защиты населения Кашкадарыинской области (справка № 439 от 23.03.09 г.) и Каршинским городским управлением труда, занятости и социальной защиты населения (справка № 1-02/220 от 24.03.09 г.).

Область применения: при формировании программ регулирования и управления региональным рынком труда.

RESUME

Thesis of Tursurov Shuhrat Hamidovich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economic sciences on specialty 08.00.13 - "Management and marketing" subject: "Improvement of labor resource management in process of the structural changes and diversifications of the economy in Kashkadarya region of the Republic Uzbekistan"

Key words: labor resource, structural changes, diversification, labor resource management, labor market, employment.

Subjects of research: spheres of the economy and labor resources of Kashkadarya region.

Purpose of work: to develop the scientific offers and practical recommendation on improvement of regulations of labor market and labor resource management, as well as on increasing job placement level of the population in process of the structural changes and diversifications in the economy of Kashkadarya region, considering influence of the world financial-economic crisis.

Methods of research: In research work were used methods of modern management, system approach, steady-state, economic analysis, comparative comparison, groups, scientific abstraction and other methods.

The results obtained and their novelty: In the process of the realization of the structural changes and diversifications in the economy of Kashkadarya region methods and facilities of increasing the efficiency of labor resource management, growing level of employment of the population considering particularities of the region and subjects of labor market were motivated.

Practical value, main scientific conclusions and recommendations designed during process of the study can be used in process of the realization of the structural changes and diversifications in branches of the economy of Kashkadarya region, in development of the measures of the further improvement of labor resource management and programs for employment of the population of the region, in formation perspective plans for efficient use of labor resource, in improvement and teaching of the scholastic programs "Economy and sociology of the labor", "Economy and management of human resources", "Economy of the labor market", intended for students of higher and secondary specialized educational institutions, concerning with economy.

Degree of embed and economic effectiveness: The results of the research were introduced in practice to Headoffice of the labor and social protection of the population of Kashkadarya region (the reference NN439 from 23.03.09) and Karshi state office of the labor, employment and social protection of the population (the reference 1-02/220 from 24.03 .09.)

Field of application: at forming the programs of the regulation and management of the regional labor market.